

## «Ҳилол» журналининг 50-юбилей сони нашр этилиши муносабати билан маърифий тадбир ўтказилди



15:02 / 12.08.2023 1799

Бугун 12 август куни «Hilol-nashr» нашриётининг мажлислар залида «Hilol» диний-маърифий, ижтимоий-адабий журналнинг 50-юбилей сони нашр этилиши муносабати билан ижодий-маърифий тадбир ўтказилди. Маросимга юртимизнинг пешқадам уламулари, журналистика соҳасида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб келган ва келаётган азизлар, даврий нашрларда қалам тебратаётган ижодкорлар, адабиётшунослар, халқ шоирлари ва китоб ихлосмандлари ташриф буюрдилар. Шунингдек, айни соҳада меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган ва

меҳнат фаолиятини давом эттириб хизмат қилаётган мунис оп-сингилларимиз тадбирнинг азиз меҳмони бўлдилар.

Тадбир бошловчиси Қамариддин Бекмуҳаммад барча меҳмонларнинг ташрифи учун ташаккур айтиб, «Hilol-nashr» матбаа-нашриёти раҳбари ва «Hilol» журнали бош муҳаррири Исмоил домла Муҳаммад Содикга илк сўз навбатини берди. Устоз тадбирни очиб бериб, ташриф буюрганларга ташаккур изҳор этиб, журналнинг 50-сони нашр этилгани билан барчани қутладилар. Исмоил домла нутқлари давомида журналнинг асосчиси ва ғоя муаллифи фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бўлганларини, журнал аввал бошда электрон шаклда халқимизга тақдим этилганини, Аҳмад Муҳаммад Турсун раҳимахуллоҳнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳимматлари натижасида даврий босма нашр сифатида журналхонлар қўлига етиб келганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.



Шундан сўнг ижодий жамоа аъзолари томонидан тайёрланган «Hilol» журналининг диний-маърифий соҳада олиб бораётган фаолиятдан ҳикоя қилувчи видеоларга намоиш этилди.

Кейин «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи даврий

нашрлар бўлими мудирини Толибжон Низомов сўзга чиқиб, шайх ҳазрат раҳимаҳуллоҳ томонларидан 90-йилларда «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газетасининг ташкил этилишига ташаббускор сифатида бу ишга бош-қош бўлганларини, «Hilol» ва «Omina» журналларининг асосчиси ҳам айнан ҳазрат эканликларини қайд этиб ўтди.

Тадбир давомида шоир Оллоёр Бегалиев сўз олиб, шайх ҳазратлари шеърятга мухлис инсон эканликларини, айниқса, Аъзам Ўктамнинг шеърини тўплами у кишига маъқул келганини хотирлаб, ўзлари тадбир учун тайёрлаб келган тўртликларини айтиб берди.



Шундай кейин Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир журналнинг 50-сони нашр этилгани билан барчани муборакбод этиб, халқимиз кўнглидан жой олган шеърларидан намуналар айтиб, йиғилганларнинг қалбларини тўлқинлантириб юборди.

Сўнгра адабиётшунос олим, профессор Баҳодир Карим тадбирга таклиф этилгани учун ташаккур изҳор этиб, «Hilol» журнали 100-сонга етганда унинг библиографиясини тузиш кераклигини, бу эса мақолаларни осон топишга хизмат қилишини қайд этди ҳамда «Ҳидоят» журналида ҳам шундай услуб қўлланилгани ҳанузгача самара бериб келаётганини

қўшимча қилди.

Тадбир жараёнида «Hilol» журнали фаолиятига оид викторина савол-жавоблари ўтказилиб, ғолибларга ҳадялар улашилди.

Кейин «Hilol» журналининг доимий ўқувчиларидан Қашқадарёдан ташриф буюрган Маҳмуд ака Қаҳҳоровга сўз берилди. У киши журналнинг ҳар бир сонини кузатиб боришларини, айниқса, муҳаррир минбари рукнида бериладиган маълумотлар у кишида катта таассурот қолдиришини билдирдилар. Нотиқ ўз сўзида журналнинг тарғибот ишларини янада ривожлантиришга урғу бериб ўтди.

Сўнгра журналнинг обунасига оид ҳисобот видеолавҳаси тақдим этилди.

Кейин ушбу журнални халқимизга етиб боришида қимматли маслаҳатлари мақола ва шеърлари, таҳрир, мусаҳҳиҳ, дизайн, саҳифаловчи, техник томондан хизмат қилган бир гуруҳ устозлар, ижодкорлар ва ходимлар ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Тадбир якунида анъанага мувофиқ Қуръони Карим тиловат қилиниб, улуғ

устозлар хайрли дуолар қилиб бердилар.



Аллоҳ таоло ушбу тadbирни барчамизга манфаатли ва хайрли айлаб, «Ҳилол» журналининг фаолиятини бундан ҳам юксалтирсин.

**Тadbирни қуйидаги ҳавола орқали томоша қилишингиз мумкин:**  
[ҳавола](#)